

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 43 (10.096)

2004 ЙИЛ 3 МАРТ

ПОЙТАХТНИНГ Бир кўни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА САТРАФДА

● **ТОШКЕНТ** Давлат шарқ-шунослик институтида уюштирилган тадбир БМТ ва Ўзбекистон ҳамкорлигига бағишланди.

● **КЕЧА** Миробод туманидаги Шароф Рашидов маҳалласида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати—Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг бошланғич ташкилоти тузилди. БУГУН эса Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиясининг бошланғич ташкилоти тузишга бағишланган йигилиш Чилонзор туманидаги «Асл биллур» ҳиссдорлик жамиятида бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч маскани ҳамда Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси ҳамкорликларида Миробод туманидаги 110-мактабда ўсмир қизлар ўртасида бадминтон, шахмат бўйича уюштирилган мусобақалар хотин-қизлар кўнига бағишланди.

● **ХОТИН**-қизлар кўни муносабати билан БУГУН Ўзбекистон рус академик драма театрида Миробод туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси томонидан байрам тадбири ўтказилди.

● **КЕЧА** Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ўтказилган «Маънавият кўни»да «Ешлар ва қонун», «Замонавий шахнинг маънавий қиёфаси», «Сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни» каби мавзуларда турли соҳа вакиллари билан давра суҳбатлари уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз
хабарларидан.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Ҳурматли Президент жаноби олийлари, НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурининг 10 йиллиги муносабати билан менга йўллаган илтифотли мактубингиз учун Сизга ўз миннатдорлигимни изҳор этмоқчиман.

«Тинчлик йўлида ҳамкорлик»нинг шерик мамлакатлар ва НАТО ўртасидаги ўзаро муносабатлар ривожига ҳиссаси тўғрисидаги Сизнинг қарашингизга тўла қўшиламан.

Ўз хизмат вазифаларимни адо этишга қирришар эканман, Ўзбекистон ва НАТО ўртасидаги «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» доирасидаги муносабатлар кўплаб соҳаларни қамраб олаётганини мамнуният билан қайд этаман.

Бугунги кунда яратилаётган янги механизмлар Ўзбекистон учун катта аҳамият касб этади. Шерикликнинг индивидуал иш режаси Тақдимот ҳужжати лойиҳасининг Ўзбекистон томонидан жадал тайёрланаётганини билиш менга мамнуният бахш этди. Таъкидлашни истардимки, НАТО Халқаро котибияти Ўзбекистон томонига ҳар қачонгидек қўмақлашишга тайёр ва мен НАТО ҳузуридagi Ўзбекистон миссияси билан яқин алоқа-

ларни келгусида ҳам мустаҳкамлашни ўз ходимларимга юқлатдим.

НАТОга аъзо ва шерик мамлакатлар ва хусусан, Ўзбекистон Афғонистон борасида муштарак мақсадларни кўзлайди. Афғонистоннинг барқарор хавфсизлиги ва демократик ривожини таъминлаш бизнинг олий ва устувор интилишимиздир. Шу мақсадларга эришиш йўлида мен, хусусан, Хавфсизликни таъминлаш халқаро кучлари (USAF) учун хавфсиз коммуникация тармоқларини йўлга қўйиш бўйича Ўзбекистон тақлиф этган мадад учун ўз миннатдорлигимни изҳор этишни истайман. Мазкур масаланинг март ойи бошида Тошкентда Ўзбекистон ва НАТО мутахассислари ўртасидаги муҳокамасининг тезкор муддатда якунланиши НАТОнинг Афғонистондаги муштарак сазой-ҳаракатларига ҳисса қўйиши шубҳасиз.


Жорий йилнинг июнида Истанбулда бўлиб ўтадиган саммитда Сиз билан учрашишни интиқлик билан кутиб қоламан.

Қамоли эҳтиром ила
Яооп де Хооп СХЕФФЕР,
НАТО Бош котиби.

Ўлкамизда Баҳор нафаси

Интиқлик ила кутганимиз баҳор келиши билан пойтахтимизда кўкламси юмушлар қизиб кетди. Гўзал фасанинг энг тароватли байрами Наврўзи оламга тайёргарлик ҳам авжида.

Туманлардаги ободонлаштириш бошқармалари ишчилари билан бир қаторда маҳаллалар аҳли, корхона, ташкилот ходимлари, мактаб, коллеж ва олий ўқув юрталарининг ўқувчи-талабалари кўкаламзорлаштириш ҳамда кўча, майдон, хиёбон йўлакларни орасталашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.



Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги матбуот хизматидан
ЎзАга маълум қилишларича, Италия Мудофаа вазирлиги ҳарбий-техник ҳамкорлик битими доирасида мамлакатимиз Қуролли Кучларига «LANCIA ACL-75» русумли 50 та юк автомобили етказиб берди.

Ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик

Икки мамлакатнинг ҳарбий соҳадаги ҳамкорлигига Италия Мудофаа вазирлигининг ҳарбий-стратегик тадқиқотлар маркази директори, генерал-майор О.Кукүзанин 1998 йилнинг майида республикамизга ташрифи чоғида асос солинган эди. Ташриф асосида минтақавий хавфсизлик масалалари ва ҳарбий соҳадаги ҳамкорлик йўналишлари муҳокама этилганди.

2002 йилнинг кузида эса Ўзбекистон

Республикаси Мудофаа вазирлиги делегацияси Италияга ташриф буюрди. Туманлар ўзаро ҳамкорликнинг аниқ йўналишлари ва уни амалга татиқ этиш бўйича фикр алмашди.

Айни пайтда Ўзбекистон Қуролли Кучлари вакиллари Италия армияси ўқув юрталарида таълим олмоқда. Ўзбекистон Қуролли Кучлари академияси базасида Италияга ўқишга юбориладиган офицерлар учун ушбу мамлакат тилини ўрганиш

курслари ташкил этилган.

Автомобилларни қабул қилиш ва топшириш маросимида сўзга чиққан Италия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Анжело Персиани мамлакатларимизнинг ҳарбий соҳадаги ҳамкорлиги истиқболга юқори баҳо берди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг халқаро алоқалар бўйича ўринбосари Р.Ниёзов италиялик ҳамкасбларига Ўзбекистон армиясини техник жиҳозлашда бераётган ёрдами учун миннатдорлик билдирди ва ҳарбий идораларнинг ҳамкорлиги келгусида ҳам муваффақиятли ривожланишига ишонч билдирди.

ЎЗА

XXI саҳоси

Барча маънавиятнинг олтинга сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги Қорасув пахта тозалаш заводи Қорасув-Швейцария қўшма корхонасига айлантирилди.

● Қашқадарё вилоятида 2004-2005 йилларда кичик бизнесни ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди. Дастурда кичик бизнеснинг вилоят яқин ички маҳсулотидagi улусини жорий йилда 37,5, 2005 йилда эса 38,5 фоизга етказиш кўзда тутилган.

● Самарқанд шаҳридаги 6 ва 11-мехрибонлик уйлари барча кулайликларга эга бўлган янги биноларга кўчирилди. Вилоят ва шаҳар ҳокимликлари ҳамда ҳомий ташкилотлар томонидан уларнинг ҳар бирига мурувват ёрдами сифатида 60 миллион сўмлик янги жиҳозлар олиб берилди.

● «Бухороёғ» ҳиссдорлик жамиятида тайёрланаётган маҳсулотлар сони яна биттага кўпайди. Бу ерда ҳўжалик совуни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

● Наманган туманидаги Тошбулоқ шаҳарчасида пиллани қайта ишлаш бўйича янги кичик корхона фойдаланишга топширилди. Натижада 200 дан ортик янги иш ўринлари ташкил этилиб, уларга яқин атрофдаги қишлоқлар ва маҳаллалардан аёллар ва қизлар қабул қилинди.

● Наврўз байрами арафасида Жиззах вилоятидаги Учтепа туман марказидан Гагарин туман марказига қадар ҳудудда 500 минг туپдан ортик қайрағоч ва терак кўчатлари экилдди.

Жаҳонда

● Россиянинг Европа кўмитасидаги вакили Михаил Фрадков Владимир Путин томонидан Россиянинг янги ҳукумати бош вазири лавозимига тавсия этилди. Европа кўмитасининг раиси Романо Проди унинг номзодини қўллаб-қувватлади.

● Гаити Президенти Жан-Бертран Аристид муҳолифатнинг уч ҳафталик ҳуружларидан сўнг мамлакатдан чиқиб кетди. Айрим маълумотларга кўра у қўшни Доминикан Республикасида бўлиб Марокаш, Панама ёки Хитой Тайпейидан сиёсий бошлана сўраш ниятида.

● Хиндистонда муддатидан илгари парламент сайловлари тўрт босқичда ўтади. Овоз бериш 20 ва 26 апрель, 5 ва 10 май кўни ўтказилиб, овозларни ҳисоблаш 13 майга белгиланган. Сайловчилар беш йил давомида фаолият кўрсатадиган 543 нафар парламент депутатини сайлайдилар.

● Ироқ ҳукумат Кенгаши мамлакатнинг вақтинчалик конституцияни қабул қилишга розилик билдирди. Маълумотларга кўра, вақтинчалик конституция бугун расман қабул қилинди.

● Япония Олимпия кўмитаси Ироқ спортчиларига шу йил августда Греция пойтахтида бўлиб ўтадиган олимпиада ўйинларида қатнашишлари учун қўмақлашишни тақлиф қилди.

Иқтисодий

МАЗАЛИ ВА
ФОЙДАЛИ

Пойтахтимиздаги барча озиқ-овқат дўконларида ҳозирги кунда шифобахш жуда мазали, хушбўй ва тўйимли, сулли печеньелар сотилмоқда.

Мазкур ўндан ортиқ турдаги махсулотлар «RUSTA-QANDOLAT» масъулияти чекланган жамиятининг изланувчан 70 нафар ишчи-хизматчилари меҳнати эвазига тайёрланмоқда. Махсулотлар синалган Россия технологияси бўйича малакали мутахассисларнинг узок йиллик тажрибаларига асосланган ҳолда тайёрланади ҳамда уларда барча фойдали хусусиятлар сақлаб қолинади.

Майизли, асалли, ёнғоқли, кунжутли, баргакли, қаймоқли қандолат махсулотлари, ҳар хил ҳажмда қадокланмоқда. Асосийси эса хом ашёнинг ҳаммаси ўз еримизда етиштирилганлиги ва ўндан тайёрланган печеньелар четдан келтирилганидан 2-3 баравар арзонлигидадир.

— Мақсадимиз рақобатбардош махсулотларимиз билан ички бозоримизни тўла таъминлаш, — дейди корхона раҳбари Фурқат Меликулов. — Бунинг учун корхонамизда қувватлар ҳам, ишчи-хизматчиларнинг малакалари ҳам етарли.

Тиббиётдан маълумки, сули таркибида мавжуд 8 та минераллар ҳамда дармондорилар қон босими, юрак, жигар касалликлари билан оғриган беморларга ўз ижобий таъсирини кўрсатади.

Ушбу корхона тадбиркорларининг режалари улкан. Жорий йилда улар махсулотларини ҳамдўстлик давлатларига экспорт қилиш ниятида меҳнат қилмоқдалар.

ЧЕВАРЛАР
МАҲОРАТИ

Кўп асрлик миллий аъналаримиз бўлган попопчилик, зардўзлик намуналари хорижликларни ҳамон лол қолдириб келмоқда.

Кўли гул чеварларимизнинг ишларига ҳам кўплаб чет элликлар юқори баҳо бермоқдалар. Шаҳримизда фаолият юритаётган «Камол топ» хусусий фирмаси жамоаси америкаликлар буюртмасини бажарди.

Мазкур фирманинг меҳнатсевар, қаққон тикувчи қизлари АҚШга 15 мартгача жўнатиладиган 2 турдаги махсулотларга алоҳида фахр туйғуси билан «Ўзбекистонда тайёрланган» тамгасини тибки қўйишди.

1996 йилда иш бошлаган фирма жамоаси бугунги кунга келиб 72 турдаги: эркак, аёл, болалар спорт кийимлари, мавсумий, махсус униформаларни сифатли, чиройли ҳамда қулай қилиб, асосийси чидамли, узок муддат хизмат қилишга мўлжаллаб тибки миջозларни мамнун қилишмоқда.

Корхонада Япония ҳамда Жанубий Кореядан келтирилган энг замонавий юксак унумли тикув машиналари чеварлар меҳнати сермахсул бўлишини таъминламоқда.

Муқаддас
УМАРБЕКОВА

Тошкентим —
боғу бўстоним

АНИҚ РЕЖАЛАР АСОСИДА

Баҳор юртимизга эшик қоқиб келди. Ҳадемай, фусункор баҳор байрами — Наврўзи олам нишонланади. Унгача шаҳримизда кўча-ю майдон, хиёбон, маҳаллаларни саранжом-сариятлаш, жойларни кўкаламзорлаштириш ҳамда ободонлаштириш юмушлари кенг авж олади.

Юнусобод туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиги Бахтиёр Мустапаевнинг сўзларига қараганда туманда бу ишларга жорий йилда одатдагидан кенгроқ эътибор берилмоқда. Сабаби, шаҳар ҳокимлигининг ташаббуси билан «Меҳр ва мурувват йили» дастури доирасида шаҳримизнинг барча туманларида ободонлаштириш, кўчат ўтказиш ишларига оид алоҳида, ўзига хос тадбирлар белгиланган.

Яъни, ҳар бир кўча, хиёбон, майдонларнинг ўзигагина хос бўлган томонлари: салқин, серофтоблиги, ҳажмига қараб муайян турдаги манзарали ва мевали дарахтлар, гуллар экиш режаланган. Уларни кузгача яшнаб, кўзларни қувнатиб турувчи картошкагул, гултожихўроз, бегония, сальвия каби 35 турга яқин гулу чечаклар ташкил этади.

Ободонлаштириш ходимлари ҳар куни 1070 минг квадрат метр жойни сулуриб орасталадилар. Шу кунгача 80 та қуриган дарахтлар, синган шох-шаббалардан 50 тоннага яқини, кўчаларни орасталаш ҳамда ариқ-зовурларни чиқиндилардан тозалаш ҳисобига 500 тонна ахлат 11 та транспорт воситаси ёрдамида олиб чиқиб кетилди.

Жумладан, тумандаги 200 та дарахтларга шакл берилди, 250 минг метр квадрат ҳудудга яшил майсалар ётқизилди. Баҳор фасли айна дарахт экиш мавсуми бўлгани боис ҳам тумандаги Аҳмад Дониш, Жаҳон Обидова, Маҳмуд Мирзаев кўчаларига 350 туп игна баргли манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Утган йилларда экилган мевали ва манзарали дарахтларнинг парвариши давом эттирилиб 15 мартгача уларни оқлаш ишлари амалга оширилади.



Шунингдек, туманда ёзги гулларни экиш учун 3,5 гектар майдонлар ҳозирланди. Бу мавсумда манзарали боғдорчилик давлат хўжалигидан келтирилган атиргул буталаридан 10 минг дона ўтказилса, 1 йиллик гуллардан 50-60 минг дона экилиши режаланган. Бундан ташқари, 200 погон метр йўлақлар таъмирланди, 10 та бекатдаги соябон, ўриндиклар тўла таъмирланиб, автобекатлардаги ахлат қутиларидан 50 таси ёрқин, чиройли рангларга бўялди.

Кундалик ишлар қаторида Наврўз байрами шодиёналарига туманни безаш мақсадида байроқ, плакат, паннолар тайёрлаб қўйилди. Барча ишларда ободонлаштириш бошқармасининг 225 нафар серғайрат ишчилари фаоллик кўрсатмоқда.

Бир сўз билан айтганда, туман ободончилари бир ёқадан бош чиқариб, пойтахтимизни янада гўзал, озода шаҳарга айлантириш, анвойи гул ва дарахтларга буркаган ҳолда табиатимизни мусаффо қилиш йўлида жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Муҳаббат
ҲАБИБУЛЛАЕВА

КЎРГАЗМАЛАР ЧОРЛАЙДИ

Тошкентдаги «Ўзэкспомарказ»да «Ўзбекистон қурилиш ҳафталиги» ҳамда «Мебель ва ишлаб чиқариш технологиялари» кўргазмалари очилди.

— «Ўзбекистон қурилиш ҳафталиги» кўргазмаси доирасида илк маротаба «Мебель ва ишлаб чиқариш технологиялари» кўргазмаси ўтказилди, — деди Itesa-Osiyo компанияси менежери Малика Тойжонова «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Беш йил мобайнида қурилиш кўргазмасининг экспозиция майдони кенгайиши билан бирга, унинг қатнашчилари сони ҳам кўпайди. Дастлабки йилларда кўргазмада олти та компания қатнашган бўлса, жорий йилда уларнинг сони саксонга етди. Кўргазма қатнашчиларининг олтиш фоизи хорижий компаниялар бўлиб, бу Ўзбекистон бозорига хорижликларнинг қизиқи-

ши сезиларли даражада кучайганлигини тасдиқлайди. Қурилиш ва бинокорлик, пардозлаш материаллари, вентиляция ва иситиш тизимлари, дераза, эшиклар, витражлар, сауна, ҳаммом ва сузич, электр техника, интерер ва дизайн, меъморчилик ва лойиҳалаш, мебель ишлаб чиқариш ускуналари, мебель ва мебель фурнитураси қабилар кўргазманинг асосий бўлимларини ташкил этади.

Ташкилдорлар жозик, кўргазмада Grindfos Beaulieu Real, IMI International, Kermi, Arabboy, Termocom, Wilo сингари йирик компаниялар ўз товар ва жиҳозлари билан иштирок этмоқда.

АМАЛИЁТ ВАЗИФАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар коллежида «Касб-хўнара таълимда амалиётнинг мақсад ва вазифалари: тиббий-ижтимоий ходим мутахассислиги бўйича битуривчи қизларни ишга жойлаштириш масалалари» мавзусида семинар ўтказилди.

— Тошкент ихтисослаштирилган хотин-қизлар коллежи республикада ва Марказий Осиёда ягона қизлар коллежи ҳисобланади, — деди коллеж директори Муаллам Зуфарова «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Бу ерда ўқиш муддати уч йил бўлиб, тиббий-ижтимоий ходим, ҳуқуқ-ижтимоий муҳофаза ҳамда бухгалтер мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрланади. Ўқитишнинг асосий йўналиши-ли соғлом турмуш тарзи санитария маорифи тарғиботчиси, ижтимоий ёрдам хизмати ходими, беморларни парваршилаш бўйича кичик тиббий ҳамшира, хотин-қизлар билан ишлаш бўйича ташкилотчи мутахассисликлари ташкил этади. Коллежда ўқитишнинг замонавий техни-

ка воситалари билан жиҳозланган ўқув ва компьютер хоналари, кутубхона ҳамда ҳуқуқий маслаҳатхона талабалар хизматига. Айтиш жоизки, талабаларнинг коллежда олган билимларини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳар томонлама етук инсонлар бўлиб етишишларига ёрдам бериш ҳамда бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида турли тўғарақлар ишлаб турибди.

М.Зуфарованинг таъкидлашича, коллежда ўқитиладиган мутахассисликлардан ташқари қизларни мустақил турмушга, оилавий ҳаётга тайёрлашга алоҳида эътибор берилди. Уларга ҳуқуқий-ижтимоий ва тиббий билимлар ҳамда уй-рўзгор тутиш, тикувчилик ва пазандачилик бўйича ҳам кенг тушунчалар берилди.

— Коллежда ташқи алоқалар бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда, — дея сўзини давом эттирди М.Зуфарова.

— Бу борада германиялик мутахассис Аня Мария Кэссернинг коллеждаги фаолияти алоҳида таъсирга лойиқ. У ўз билими ва тажрибасини талабаларимизга ўргатмоқда.

Дарвоқе, коллежда талабаларнинг билим салоҳиятларини янада ошириш ва мустақил равишда илмий иш олиб боришлари учун илмий академия ташкил этилган. Коллежнинг иқтидорли талабалари бу ерда турли фанлар бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришади.

Дилдора ТОИРОВА,
«Туркистон-пресс»

БОЛАЛАР
КЎШИҚЛАРИ
ТАНЛОВИ

Республика таълим марказида янги яратилган кўшиқлар танлови бўлиб ўтди.

Халқ таълими вазирилик билан ҳамкорликда ҳар икки йилда бир марта ўтказиладиган мазкур танловда болалар учун яратилган янги кўшиқлар ва мусиқий асарлар сараланиб, умумий ўрта таълим мактабларига мусиқа дарси учун тавсия этилади.

Бу йилги танловда Рустам Абдуллаев, Ҳабибулла Раҳимов, Шермат Ёрматов, Анор Назаров, Нодим Норхўжаев, Баҳрулло Лутфуллаев, Муҳаммадjon Отажонов каби бастакорларнинг йигирмага яқин асари саралаб олинди. Улар мусиқа дарси билан бирга, ўқишдан ташқари машғулотлар, мусиқа тўғарақлари, болалар фестиваллари, кўрик-танлов ва тантаналарда ҳам ижро этишга мос.

Назokat УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

Тиббиёт**ШАРҚ ТАБОБАТИДАН МУОЛАЖАЛАР**

Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институтида бир неча йирик даволаш марказлари ишлаб турибди. Шарқ табobati муолажаси билан шугулланаётган марказ фаолияти ҳам кенгайиб кетди.

Ўзбек-корей мутахассислари сай-ҳаракати билан ташкил топган мазкур шифобахш маскан замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан етарли жиҳозланган. Бу эса марказда амбулатория даволаш муолажаларини кенг йўлга қўйиш имконини берди.

Шуниси эътиборга сазоворки, бу ерда Корея Республикаси халқаро ҳамкорлик агентлиги йўланмаси билан мамлакатимизга келган малакали шифокорлар ҳам даволаш ишларини олиб боришмоқда. Корея Республикаси Шарқ табobati врачлари Ассоциацияси мутахассислари томонидан уюштирилган муолажалар кўлаб беморлар соғлиғи тикланишига имкон яратди.

ТАНЛОВ НАТИЖАЛАРИ АСОСИДА

Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-текшириш институти цехларида тайёрланаётган доридармонлар мамлакатимиз фармацевтика санатида муҳим ўрин тутмоқда. «Ўзбекфармсанот» Давлат хиссадорлик концерни таркибида фаолият кўрсатаётган бу шифобахш даргоҳда танлов натижалари асосида ҳам аъло сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

«Вакцина-стафилоккоккорпускулар суюқликни ишлаб чиқаришни ташкил этиш» деган мавзудаги танлов ишлари ҳам самарали бўлмоқда. Бундай лойиҳани амалга ошириш жараёнида инсон саломатлигига яхши таъсир қиладиган қатор янги хил препаратлар юзага келди.

Иммуно-йодли препаратларни тайёрлаш борасидаги изланишлар ўз ижобий натижасини бермоқда.

ДАВР БИЛАН ХАМНАФАС

Соғлиқни сақлаш тизimini ислоҳ қилиш дастурини амалга оширишда Тошкент фармацевтика институтида ҳам тадбиркорлик билан иш олиб боришмоқда. Олий ўқув юртида санот фармацевтияс буйича малакали кадрлар тайёрлашнинг йўлга қўйилганлиги ҳам айни мuddо бўлди.

Бу йўналишдаги фаолиятни янада жонлантириш мақсадида олий ўқув юртининг бир нечта мутахассиси Украина миллий фармацевтика университетида малака ошириб қайтишди.

Айни вақтда «Дори-дармон», «Ўзфармсанот» корхоналари билан ҳам ҳамкорлик бошланди. Бундай яқин алоқалар «Дори воситаларини стандартлаш» илмий марказининг ишлаб чиқариш билан яқиндан шугулланиш имконини берди.

Акбар АЛИЕВ

Яккасарой тумани ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси ҳамда туман «Оила» маркази ташаббуси билан Меҳр ва мурувват йилига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирлар**МЕҲРЛИ ҚАЛБЛАР КЎПАЯВЕРСИН**

Туманининг «Конституция» маҳалласида ўтказилган «Меҳр-мурувват» гузал фазилят номли ушбу тадбирда республика «Маҳалла» жамғармаси раиси ўринбосари, шаҳар «Оила» маркази раҳбари Гулнора Йўлчиева, Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси қошидаги «Қалб этиқоди» давраси раиси, тарих фанлари номзоди Муборак Юнусхўжаева, маҳалла хотин-қизлар комитетининг маънавият-маърифат бўлими бошлиғи, доцент Нафиса Қодировалар иштирокчиларга инсонийликнинг энг олий туйғулари—меҳр, муҳаббат, садоқат, дўстликнинг бир неча амаллари, каттага ҳурмат, оиланинг бутунлиги йўлида ота-она, фарзандларнинг ўрни кат-

та аҳамиятга эгаллиги тўғрисида гапириб ўтдилар.

Тадбирда иштирок этган Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети талабалари ҳамда Енгил санот коллежи ўқувчи ёшлари маърузачиларга ўзларини қизиқтирган саволлар билан муножот қилдилар.

—Ҳақиқатан, меҳр-мурувват инсоннинг энг гузал фазилятларидан биридир, — дейди доцент Нафиса Қодирова. —Қалбда меҳр туйғулари мўжассам инсон ҳеч қачон ёмонлик қила олмайди. Бизнинг мақсадимиз ҳам ягона — ҳар бир қалбда бор бўлган меҳр туйғулари янада кўчайтиришдир.

Орзуғул РУСТАМОВА

Сергели туманидаги «Гулистон» маҳалласида «Меҳр ва мурувват» йилига бағишланган «Меҳр тансиқ, мурувват тансиқ» деб номланган чиройли байрам тадбири бўлиб ўтди.

САХОВАТ КЎРСАТИЛДИ

Маҳалладаги кам таъминланган, меҳр-муҳаббатга, бир оғиз ширин сўзга муҳтож бўлган ногиронлар «Лион» қаҳвахонасига бир пийёла чойга таклиф этилди. Ҳар нарсадан улуг бўлган меҳру-муҳаббат ҳақида куй-қўшиқлар янграган ушбу даврада кўнгиллар кўтарилди, дилдан суҳбат қурилиб эртанги кунимиз, фаровон турмушимиз учун эзгу ниятлар тилаб, дуога кўл очилди.

Азал-азалдан халқимиз меҳр-

оқибатли, ўзаро дўстлик ва биродарликни улуғлаб, кексалар ва ногиронларга саховат кўрсатиб келган,—деди тадбирда ўз дил изҳорини баён этар экан «Гулистон» маҳалласи хотин-қизлар комитетининг раиси Каромат Зулнуова. — Президентимиз ташаббуси билан йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилинганлиги эса ҳаммамизни бу борада янада фаолроқ, эътиборлироқ бўлишга чорламоқда. Бугунги чи-

2004 — Меҳр ва мурувват йили**ҚИЗИҚАРЛИ АНЖУМАН**

Меҳр-мурувват, саховат сингари фазилятларга эга халқимиз доимо эзгуликка интилиб яшаган. Жорий йилда айниқса бу фазилятлар яна ҳам ёрқин намоён бўлмоқда. Жумладан ўсиб келаётган ёш авлод қалбида меҳр-оқибат, саховат сингари фазилятларни уйғотиш барчамизнинг бурчимиздир.

Шу мақсадда яқинда Акмал Икромов туманидаги 81-мактабда Меҳр ва мурувват йилига бағишланган «Меҳр қолур» деб номланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда Акмал Икромов туман хотин-қизлар кўмитасининг раиси Азиза Фиёсова, Тошкент шаҳар «Маънавият ва маърифат» марказининг раҳбари Сарвар Абдуллаев, мактаб директори Валижон Умаров сўзга чиқиб ўқувчиларни меҳр-мурувватли бўлишга, кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш ва келгусида мактабда қилиниши лозим бўлган хайрли ишлар

ҳақида батафсил тўхталдилар.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан таниқли адиба, публицист Кутби Носирова бугунги ёшлар тарбияси, тақдир, миллий қадриятларимизга ҳурмат, аёл, она, оила бахти, нашидали ҳаёт ва унга етишиш сирлари ҳақида қизиқарли фикрларини билдирди.

Анжуман сўнгида мактаб ўқувчиларининг Меҳр ва мурувват йилига бағишланган дилбар куй-қўшиқлари, саҳна кўринишлари йиғилганлар қалбига ҳушнудлик бахш этди.

Гулором ҲАМИДОВА

роили учрашувимиз ҳам бир-биримизни кўпроқ қадрлаш ва дунёда ёлғиз эмаслигимизни, кимгадир керак эканлигимизни яна бир бор ёдга олишга қаратилган. Биз фурсатдан фойдаланиб бағрикенг, саховатли тадбиркорларимиз, хусусан эл дуосини олиб юрган «Лион» қаҳвахонаси жамоасига ўз миннатдорчилигимизни билдиришимиз ва уларнинг ўз навбатида бундай хайрли тадбирлар учун ҳамisha тайёр эканликларини айтиб ўтмоқчимиз.

Тадбирда шоира Зулфия Мўминова ва эстрада хонандаси Жамшид Сафаровлар иштирокида янги шеърлар, шўх куй-қўшиқлар янгради ва барча қатнашчилар қалбида бир олам таассурот қолдирди.

Шаҳноза МАҲМУДОВА

«Ўзэкспомарказ»да «Ўзбек қурилиш ҳафталиги» бешинчи халқаро кўргазмаси очилди. Бу тадбир доирасида биринчи марта «Мебель ва ишлаб чиқариш технологиялари» (MebelExpo) кўргазмаси ўтказилмоқда. Уни Буюк Британиянинг ITE JV Ltd. халқаро кўргазма компанияси ва унинг Ўзбекистондаги ҳамкори Itesa-Osiyo компанияси ташкил этди.

Халқаро кўргазма

Сўнгги йилларда мамлакатимиз қурилиш тармоғи барқарор ривожланиб, мамлакатимиз иқтисодийетида катта ўрин эгалламоқда. Кўргазмалар, анжуманлар, конференциялар ўтказилиши, ишбилармонлик алоқаларини ўрнатиш, тажриба алмашиш марказлари фаолияти, давлат, илмий, лойиҳа ва тижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик тармоқининг муваффақиятли ривожланишига хизмат қилмоқда.

«Ўзбек қурилиш ҳафталиги-2004» мамлакатимизда энг кенг кўламли кўргазма бўлиб, бу ерда қурилиш материаллари соҳасидаги янги технологиялар билан танишиш мумкин. Мазкур кўргазмани Ўзбекистон Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси, Ташкилоти иқтисодий алоқалар агентлиги, «Ўзқурилишматериаллари» уюшмаси, «Файз» холдинг компанияси ва бошқа ташкилотлар расман қўллаб-қувватлашди.

Агар ўтган йили қурилиш кўргазмасида қирққа яқин хорижий корхона иштирок этган бўлса, бу йил кўргазмага яқин ва узоқ хориждан 80 дан ортиқ компания тўпланди. Улар орасида Австрия, Бельгия, Германия, Финляндия, Буюк Британия, Италия, Россия компаниялари бор. «Акватех», «Анд-поли», «Temir Engineering» каби мамлакатимиз корхоналарининг маҳсулотлари ҳам кенг намоён этилмоқда.

«Қурилиш ва пардозлаш материаллари», «Вентиляция ва иситиш тизимлари», «Дераза, эшик ва витражлар», «Интерьер ва дизайн», «Электртехника ва ёритиш» каби бўлимлар келганларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

«Мебель ва ишлаб чиқариш технологиялари» кўргазмаси хорижий ва мамлакатимиз компаниялари учун мебель ишлаб чиқариш технологиялари, мебельни лойиҳалаш ва тайёрлаш, дизайн соҳасидаги сўнгги ютуқларни намоён этишнинг ажойиб имкониятидир.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Шаҳримизда ўрик гуллади.

КўНГИЛЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИЛДИ

Азал-азалдан халқимиз ногирон, етим-есир, ёрдамга муҳтож болажонларга саховат кўрсатиб, имкон қадар қўллаб келганлар. Жорий йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб номлангани эса бу борадаги юмушларимизни янада кенгроқ олиб боришимизга имкон яратди десак хато қилмаймиз.

Кунни кеча Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги, «Камолот» ЁИХ Мирзо Улуғбек туман бўлими Кенгаши туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида, «Истеъдод гунчалари» кўрик-танлови ғолиблари иштирокида ташкил этилган катта хайрия тадбиридан ҳам айнан юқоридаги мақсадлар кўзланди. Истеъдодли ёшларни қўллаш ва ногирон, кам таъминланган болаларга меҳр-мурувват кўрсатиш, уларнинг ҳеч кимдан кам эмасликлари, давлатимиз ва саховатли инсонлар ёдидан чикмасликларини ҳис этишлари учун ўтказилган ушбу тадбирда шўх-қуй қўшиқлар янгради. Она-Ватан, хайру саховат ҳақидаги инсоний фа-

зилятлар ҳақида чиройли суҳбатлар қурилди.

Айниқса тадбирда Мирзо Улуғбек туманидаги мактаблар ўқувчилари иштирокида янграган бахтли болалик, халқлар дўстлиги, меҳр ва мурувват, мактаб—бизнинг уйимиз каби мавзулардаги қўшиқлар йиғилганлар қалбида чуқур таассурот қолдирди.

Тадбир сўнгида «Истеъдод гунчалари» кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди. Ўйлаймики, хайрли ниятлар кўзлаб ўтказилаётган бундай тадбирлар нафақат «Меҳр ва мурувват» йилида, балки ҳамisha давом этади.

Садриддин АЗИЗОВ

Бошқа бир руҳшуносга айтишича, ўзбек хонадонларида қиз (айниқса ўғил) бола улгайгани сайин ота-онасидан узоқлаша боради. Хатто улар ўз сирларини ҳам муҳим шахсий муаммоларини ҳам отаси ё онаси билан эмас, кўпинча ўртоқлари билан маслаҳатлашади. Негизинча? Руҳшунос фикрича, асариятимиз болаларимизга худди боғча боласига қарагандай қараймиз, унга тааллуқли бўлган масалаларни ўзимизча ҳал этамиз, бу борада унинг фикрини сўраб ҳам ўтirmаймиз. Негизи, «у менинг фарзандим, демак менинг йўригимга юриши керак», деб ўйлаймиз. Аслида бу нотўғри бўлиб, ўсимир болаларимиз олдида ўзимизни худди сирдош дўст каби тутишимиз жоиз экан. Сиз оналар (оталар ҳам) вожа етаётган қизингиз (айниқса ўғлингиз) билан кўнрага сирлашинг, пешонасидан бир маротаба ўпиб ҳам кўйинг, фарзандингиз меҳрингизни ҳар дақиқада сезиб турсин, шундангина у сизга яқин дўстига сунгандек сунянда ва ишонди!

Бола кўнраги нозик...
Гоҳо биз унга нотўғри муносабатда бўламиз, кўнрагини оғриқамиз, бунинг оқибати нималарга олиб келишини ўйламаймиз... Кўнралардан бир кун шундай воқеа юз берди. Дарслар тугагач, синфбоши тақлифи билан йиғилиш чақирилиб, муаллимнинг туғилган кунини яқин экани ўқувчиларга бил-

дирилди. «Бир совға, чиройли гулдаста олайлик» деди синфбоши. Болалар «Хўп» деб тасдиқлашди. Бу синфда бир камсукун йиғитча бор эди. У пул йиғиш ҳақидаги тақлифни эшитиб, оғир «ух» тортиди. Нима қилсин, отаси анчадан бери касалхонада ётибди. Онаси укасининг парвариши билан банд, ишламайди. Бунинг устига у ўғлидан «китоб дафтаринг, етарлими, сенга нима зарур?» деб бирор марта сўрамайди. Хуллас онасининг у билан ҳеч иши йўқ. Шунинг учунми, бола онасидан дафтар учун ҳам пул сўраша тортинадди. Мана энди бўлса... Уйдаги ахволни синфдошларига қандай айтади? Улар буни нотўғри тушунишлари мумкин. Яқиниси айтмайди! Бир илжи топилар...

Шу кун бола кичкина йўлақдан юриб уйи томон кетаркан, бир кампирнинг рўзгор сумкаси устидаги каттагина ҳамёнго кўзи тушди. «Олсаммикан-а» деган ўй «ярк» этиб миясига урилди. Хўш, нима бўпти? Ҳозир ахволи қийин-ку! Қолаверса, синфдошлари эрталаб ҳамма пулни йиғиб ўқитувчига совға сотиб олишди. Агар бола улар олдида мунгайиб турса... Йўқ, қандай бўлмасин, пул топиш керак! Болақай ҳамёни олиб қочди. Кампирнинг «Вой, қаранглар, ўғри! Ушлан-

глар уни!» деб кичкиргани эшитилди. Икки-та забардаст йигит болани қувиб етишди. Орадан қанчалар вақт ўтиб, бир журналист вожага етмаган болалар содир этган майда ўғирликлар хусусида мақола ёзмоқчи бўлди,

Оила даърасига

БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН ЁНДОШАЙЛИК

«Болани ҳадеб қойийверманг, акс холда сиздан беъзиб, ўзи ҳам тобора қайсар бўлиб боради» дея ўқитришади руҳшунослар.

мутасадди идораларнинг масъул ходимлари билан юзма-юз бўлди. Сўхбат орасида халиги йигитнинг «жинояти» ҳақида гап очилди. Журналист вожага тафсилотини ўзидан қўшиб-чатиб эртасигаёқ газетда эълон қилди. Хатто ўз хулосасида боланинг ўқитувчилари ва ота-онасини қоралади. Мақола босилиб қичқач, болақай мактабда бош кўтариб юрولмай қолди...
Уша кунларда яна бир воқеа бўлиб ўтди. Тахририятга келган мактублар орасида

бир қизалоқнинг хати ҳам бор эди. «Мен ўртоқларимнинг оилаларига, ота-оналарига ҳавас қиламан,—дея ёзганди қиз. — Лекин ўзи ота-онам ҳақида бундай дёлмайман. Чунки улар доимо жанжаллашадилар, отам маст бўлиб келиб онамни ҳақоратлайди, онам эса аччиқлашиб бизга захрини сочади. Ҳар кун шу ахвол. . . Акам, олам, укам бор. Лекин уйда бир-биримизга яхши гап, меҳр йўқ. Нукул бизни қойишади, уриб сўкишади. Буларни даърасига отамнинг эътибори бўлса, бизнинг ҳаётимизда ўзгариш бўлади. Ота-она бунинг ўзгаришидан айрилмасин...»

Ушбу мактуб газетда тўлиғича (хаттоки қизнинг исми-фамилияси ўзгартирилмаган ҳолда) эълон қилинди. Ота-она бунинг ўзгаришидан айрилмасин, кичик сўхбатдошимиз бизнинг ҳар бир сўзимиз ва маслаҳатимизни интиқлик билан кутади, жон қулоғи билан тинглайди, хотирасида сақлаб қолади. Демак, болаларимизга жиддийроқ муносабатда бўлайлик, токи бизнинг меҳримиз ва яхши сўзимиз унинг келгуси тақдирини муҳим аҳамият касб этсин. Биз катталар қайнок меҳр-муҳаббатимиз билан бола қалбиди «тош»ни эрита олайлик.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

Янги ўзбек алифбосида болалар учун кўплаб дарслик ва ўқув кўпнамавлари чоп этилмоқда. «Алифбо байрами» деб номланган тўплам эса кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларига яхши совға бўлди.

АЖОЙИБ СОВҒА

Янги нашрдан болалар шоирлари ижод намуналаридан талайгинаси ўрин олди. Фафур Гулом, Қуддус Мухаммадий, Зафар Дибёр, Пулат Мўмин каби танили шоирларнинг болаларга бағишланган энг яхши асарлари ҳам қизиқиш билан ўқилади. Бундан ташқари унда истеъдодли болалар шоирлари шеърларига ҳам катта ўрин берилган.

«Алифбо байрами» тўпламини болалар ёзувчиларидан Турсунбой Адашбоев билан Эркин Маликовлар босмага тайёрладилар. Уни «Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси кўп нусхада чоп этди.

Аҳмад АББОСОВ

— «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлими фаолиятини аниқ режалар асосида йўлга қўйганмиз. Марказ атрофида жипслашган маърузачилар гуруҳлари томонидан йил давомида кўплаб маънавий маърифий анжуманлар, маърузалар, учрашувлар, очик мулоқот ва давра сўхбатлари ўтказилмоқда. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2001 йил 26 мартдаги 123-сонли «Тошкент шаҳрида маънавий маърифий тарғибот ишларини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш ва Собир Раҳимов туманида маънавий-маърифий ислохотлар самарадорлигини замон талаблари асосида янада такомиллаштириш ҳамда маърифий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш мақсадида жойларда «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» китоби бўйича иш режаси тузилиб, жадал асосида масъул ходимлар 3 ойлик ўқишга жалб қилинди. Марказ ходимлари ҳафтада икки марта маҳаллаларда маданият бўлими ҳамда «Соғлом авлод» таянч пункти билан биргаликда тадбирлар ташкил этмоқдалар. Аҳолининг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида Тошкент Давлат юридик институти «Ҳуқуқий тарғибот маркази» билан

шартнома тузилган ва шу асосда тумандаги корхона ва ташкилотларда маърузалар ташкил қилинмоқда. Утган йил давомида марказ

мизга бўлган ҳурмат ва сардорликни ошириш мақсадида маҳаллаларда «Қизларимизни турмушга тайёрлаш муаммолари», «Фарзандлар тарбиясида аждодлар мероси», «Хайит маросимлари», «Миллий урф-одатлар асосида бола тарбияси», «Тўйларимиз ҳақида ўйларимиз» мавзусида тадбирлар, учрашувлар, давра сўхбатлари ташкил қилинди.

Олий ўқув юртлиари, коллеж, академик лицей ва мактабларда ёшлар маънавияти, одобахлоқи юзасидан «Маънавиятли ёшлар — баркамоллик тимсоли», «Ҳуқуқий онг ва келажак авлод маънавияти» мавзусида маънавият дарслари ўтказилди.

Меҳр ва мурувват йили муносабати билан марказимиз ўз олдига хайрли мақсадларни амалга оширишни режалаштирган. Хусусан «Меҳр ва мурувват йили» дастури ижроси юзасидан туманда тарғибот ишларини олиб бориш, байрам тадбирларини ўтказиш, танловлар, учрашувлар, хайрия тадбирлари алақачон бошлаб юборилган. Жойларда бўлиб ўтаётган бундай кенг қўламадаги тадбирлар халқимизнинг маънавиятини юксалтириб, келажак тараққиёт йўлидан илдам боришида дастуруламал бўлади деб ишонамиз.

Гулнора ХАМИДОВА ёзиб олди

Муминларга

ХАЙРЛИ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

Маълумки, маънавий-ахлоқий негизлар замирида умунисоний ва миллий қадриятлар муштараклиги, кишиларнинг маънавий маданиятини шакллантиришга эришиш ётади. Бугунги кунда халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлод қалбида Ватанга муҳаббат, Истиқлол ғояларига садоқат каби туйғуларни уйғотишдек хайрли ишлар кенг тус олган. Бу борада «Маънавият ва маърифат» маркази Собир Раҳимов туман бўлими томонидан амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор бўлмоқда. Бу ҳақда марказ раҳбари Фарида Пармонова бизга қуйидагиларни сўзлаб берди.

«Обод маҳалла йили», «Миллий истиқлол ғояси», «Олий Мажлис материалларини тарғиб қилиш», «Миллий қадриятларни тарғиб қилиш», «Ёшлар билан ишлаш», «Ҳуқуқий билимлар ва Конституцияни ўрганиш», «Дин ва маънавият» (огоҳликка даъват) сингари йўналишларда ишлар олиб боришни режалаштирди ва яхши натижаларга эришилди. Обод маҳалла йилига бағишлаб «Оила — маънавият негизи», «Оила — жамият таянчи», «Ватан остонадан бошланади», «Оила ва маҳалла — тарбия маскани», «Маҳалла — маънавият бешиги», «Фарзандлар тарбияси — аждодлар мероси» мавзуларида турли хил маҳаллий-маърифий тадбирлар, давра сўхбатлари, учрашувлар ўтказилди. Бундан ташқари миллий қадриятларимиз ва аъёнларини

дан «Маънавиятли ёшлар — баркамоллик тимсоли», «Ҳуқуқий онг ва келажак авлод маънавияти» мавзусида маънавият дарслари ўтказилди.

«Обод маҳалла йили», «Миллий истиқлол ғояси», «Олий Мажлис материалларини тарғиб қилиш», «Миллий қадриятларни тарғиб қилиш», «Ёшлар билан ишлаш», «Ҳуқуқий билимлар ва Конституцияни ўрганиш», «Дин ва маънавият» (огоҳликка даъват) сингари йўналишларда ишлар олиб боришни режалаштирди ва яхши натижаларга эришилди. Обод маҳалла йилига бағишлаб «Оила — маънавият негизи», «Оила — жамият таянчи», «Ватан остонадан бошланади», «Оила ва маҳалла — тарбия маскани», «Маҳалла — маънавият бешиги», «Фарзандлар тарбияси — аждодлар мероси» мавзуларида турли хил маҳаллий-маърифий тадбирлар, давра сўхбатлари, учрашувлар ўтказилди. Бундан ташқари миллий қадриятларимиз ва аъёнларини

Маънавият — акс кўзгуси

Янги нашрлар

ЭНГ ЯХШИ ҲАМРОҲ

Китоб—билимлар хазинаси эканини яхши биламиз. Китобдан яхши дўсту ҳамроҳ йўқ жаҳонда. Инсон ақлу тафаккурини чархловчи китобни жаҳоидлар сандиги десак хато қилмаймиз.

Бугунги кунда шахримиздаги мавжуд нашриётлар томонидан кўплаб қизиқарли ва мазмунли китоблар нашр қилинмоқда. Жумладан, ўтган йили «Маънавият» нашриёти профессор Беғали Қосимовнинг «Миллий уйғонош» номли китобини чоп этди. Ушбу китоб Туркистон тарихининг XX аср бошидаги энг муҳим ҳодисаларидан бири ҳисобланади, жадидчилик ҳаракати билан таништириш бора-бора сидаги на-вбатдаги қадим бўлди.

Ушбу мавзу билан муаллиф салкам 40 йилдан буён шуғулланиб келади. Абдулла Авлоний, Мирмуҳсин Шермухамедов, Саидрасул Азизий, Сўфизода, Нозиқмаҳоним, Сидқий Хондайиқий, Тавалло, Боту, Мирмулло, Чўлпон, Фитрат, Бехбудий, Камий ижодларини ўрганди. Уларнинг фаолияти билан китобхонларни таништирди. Лекин даврлар ҳақидаги маълумотларни тўлатқис эълон қилиш имконини бермас эди.

Бугунги кунга келиб бу ижодкорларнинг фаолияти ва меросини атрафлича ўрганиш, Ватан ва миллат манфаати нуқтаи назаридан баҳолаш


тублари ўрин олади. XX аср бошларида ўзбек халқининг миллий озодликка эришиши йўлида фаолият кўрсатган педагог ва журналист, жамоат арбоби Мунаввар қори Абдурашидхонов номи ўқувчиларимизга яхши таниш. Ёзувчининг «Адиби анвал», «Адиби соний», «Ер юзи», «Хавоийжи диния», «Ўзбекча тил сабоқлиги» китоблари, публицистик мақодалари ва хотиралари миллий-маънавий меросимиздан муносиб ўрин эгаллаган.

Мунаввар қори Абдурашидхоновнинг ўлмас меросидан тайёрланган гулдаста ўқувчилар учун муносиб тўхфадир.

«Маънавият» нашриёти ўқувчилар учун янги имлода китоблар нашр этишга ҳам катта эътибор қаратиб келмоқда. 2003 йилда нашриёт «Сеҳрли кетмон» ва «Кичкина шахзода» китобларини чоп этди.

«Сеҳрли кетмон» эртақлар тўпламида уйғур халқининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тасаввур ҳосил қилувчи эртақларнинг энг яхши намуналари жамланган. Тўпلامдан ўрин олган сеҳрли эртақлар болажонларга хуш ёқини тайин. Нашриёт 2004 йилда ҳам ўқувчиларга янги шеърли тўпلامлар, таржима асарлари ва романлар чоп этишни режалаштирган. Демак мулоқотимиз давом этади.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТДА: «Маънавият» нашриёти томонидан чоп этилган китоблардан намуналар.



Музейларга

БЕБАҶО ДУРДОНАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги тасарруфидоги Республика халқ амалий санъат музейи мамлакатимизда ўзига хос ягона музейлардан ҳисобланади.

Музей Ўзбекистон халқ хўнарамдларининг бир неча бор ўтказилган кўргазмалари маҳсули бўлган халқ усталарининг нодир асарлари тўплами сифатида 1937 йилда ташкил топган. Дастлаб ушбу санъат қозонаси Маҳаллий санъат вазирлигининг доимий кўргазмалар зали бўлиб келган. 1997 йилдан бошлаб эса у Маданият ишлари вазирлиги музейлари қаторига кириди. Музей биноси XIX аср охири меъморчилик-манзарали санъатининг ёрқин намунасидир. Бинони чиройли қилиб бешазда Бухоро, Хива, Самарқанд, Тошкент ва Ромитоннинг қўли гул усталари қатнашган. Музей хазинасидаги бадий буюмлар жаҳон аҳамиятига молик бўлиб, ўзбек халқ маданият ёдгорликларининг ривожланиш тарихини очиб беради.

Амалий санъат музейи заллари бўйлаб айланар экансиз, ўзбек усталарининг санъати ниҳоятда жўшқин, оҳангдорлиги ҳамда юксак шакл маданияти, гули ва ёрқин бўёқлари билан кишини мафтун этишига бевосита амин бўласиз.

Музей хазинаси ёғоч ўймакорлиги, ёғочга бадий нақш солиш, ганч


ўймакорлиги, бадий кўнрамлиқ, мисгарлик, заргарлик, зардўзлик, каштачилик, лак миниатюраси, газламачиликнинг турли хиллари (читгарлик, адрас, атлас, беқасам, кимхоб, баҳмал ва бошқа) каби нодир буюмлар тўпلامларини ўз ичига олади.

Халқ усталарининг уч авлоди яратган ўзбек амалий санъатининг барча аънавий турлари, шунингдек бадий санъатнинг энг яхши намуналари музей экспонатлари қаторидан ўрин олган. Айниқса музейнинг



халқимизнинг маънавий орзу-ниятларини мужассам этувчи ўзининг ёрқин, беқиёс бадий ифодасини топди.

— Амалий санъат музейимиз доимо ўз муҳлислари билан гавжум. Ҳозир музейда жуда қизгин ишлар амалга оширилмоқда. Экспозициялар номлари ўзбек, лотин ва инглиз тилида ёзилмоқда. Ҳар ҳафта университет, институт ва коллежлар талабалари музейга келишади. Улар билан сўхбатлар уюштириш ва музей билан кенгроқ таништириб боришга ҳаракат қиламиз. Талабалар нанки усталар яратган асарлар, балки уларнинг ўзлари билан ҳам жонли мулоқотлар ўрнатмоқдалар, — дейди Амалий санъат музейи директор ўринбосари Юлдуз Ермухамедова. — Шунингдек мазкур музейда Яққасарой туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда турли хил тадбирлар уюштириб турилади.



Ўзбекистонлик усталар ўз ижодлари орқали халқимизнинг ажойиб ва бетакрор санъатини бутун дунёга армуғон этмоқдалар. Бу санъат кўп асрлик тарих мобайнида

Амалий санъат музейини маънавиятимизнинг ёрқин шувласи десак адашмаймиз.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА: Амалий санъат музейидан ўрин олган ноёб экспонатлар.

Мамнулар

НОТИҚЛИК САНЪАТИ УСТАЛАРИ БЕЛПАШДИ

Сўзлаш қобилияти — нуқт борки, одамлар бир-бирлари билан муомала қиладилар, ўзаро мулоқотда бўладилар. Таъбир жоиз бўлса, дардга дармон бўладиган ҳам, турмушга огу соладиган ҳам ҳошим.

Сергеи туман ҳокимлигида ўтказилган «Нотиқлик санъати» кўрик-танловда нотиқлик санъат даражасига кўтаришга ҳаракат қилувчи сўз усталари беллашди. Мазкур тадбир Тошкент шаҳар ҳамда Сергеи туман ҳокимликлари, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими томонидан ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, танловда иштирок этувчиларини ўзида нотиқлик санъатини намоеён қила оладиган истеъдодли, савияси баянд сўз усталари ташкил қилди. Жами саккиз кишидан иборат иштирокчилар биринчи шартда ўзлари танланган мавзудаги маърузаларини тақдим этидилар. «Истиқлол ва гоъвий тарбия», «Мустанқил Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида тугган ўрни», «Ватан ичра Ватанимдан маҳаллам», «2004 — Меҳр ва мурувват йили», «Авлод тарбияси — миллат тарбияси» каби мавзулар шулар жумласидандир.

Нутқини ифодалаб олуш ва уни тингловчиларга етказиш ҳам катта маҳорат ҳисобланади. Шу босидан, кўрик-танловда ҳакамлар ҳайъати сўз усталарининг маърузалари мантқиқлиги, гузаллиги ва сармаънолигига эътибор берган ҳолда одиллик билан баҳолаб бордилар.

Нотиқлар орасида биринчи ўрин Шавкат Мамаражабовга (Молия-иқтисод коллежи), иккинчи ўрин Шахло Хожиевага (301-мактаб), учинчи ўрин эса Шариф Холмуродовга насиб этди. Кўрик-танлов голиби ва совриндорлари «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими томонидан фахрий ёрликлар ва ҳоимлар ажратган эсдалик совгалари билан тақдирландилар. Шунингдек, улар кўрик-танловнинг шаҳар босқинига йўлангани қўлга киритишди.

Юлдуз УСМОН

Шарқ дурдоналари

03-03 УТАНИД ДОМО БЎЛУҲ...

Дондан сўрашди:
— Дилда ният қандай туғилди?

У айтди:
— Одамнинг бошида хаёл туғилиб, катра садаф ичида дур бўлганидек, хаёл дилда ниятга айланади. У икки хил бўлади: бири яхши, бири ёмон ният. Яхшидан бахт-саодат, ёмондан гам-касофат келади. Доим яхши хаёл суриб, яхши ният қилинлар, яхши ният — ярим мол дейдилар.

Хикоя
Доно бир кекса дастурхонга турфа ноз-неъматларни қўйиб энди овқатланишга ўтирган ҳам эдики, кўча эшикдан бир меҳмон кириб келди. Кекса мезбон уни илтифот билан қарши олиб, лутф қилди:

— Келинг, азиз меҳмоним, келинг, қадамингизга ҳасанот!.. Хикматда айтадиларку «Дўст одам—ош устига, душман уруш устига келади», деб... Қаранг, бир ўзим ўтириб тановул қилишга унча рағбат-хоҳишим бўлмай тургандим, хуш келдингиз, бирга овқатланидиган бўлдик.

Доно мезбоннинг ширин суҳанидан меҳмоннинг чехраси гулгун очилиб кетди. Икковлари: «Олинг-олинг», «Хўп ширин бўпти», «Тайёрлаганинг кўли дард кўрмасин» дея дилкашлашиб, ихлос-иштаҳа билан ростланиб овқатланишдики, бу ҳам тирикликнинг бебаҳо лаззати эди.

Ровийлар хикоя қилишлари-ча, машриқдаги куёшли диёр-га хорижлик бир доно ҳақим узок саёхат қилибди. Бу юрт одамларининг бағри кенг, диллари тоза, ниятлари пок, хокисор кишилар экан. Табиат ҳам феъл-атворларига ярашқу она-ерларини ҳосилдор, хазиналарга бой қилиб яратган экан. Доно ҳақим буларни кўриб: «Жаннатмакон ўлка» деб имон келтирибди-ю, бир жумбоқни ўйлаб қолибди: шундай бой диёрнинг фуқаролари қашшоғу ночор яшашаркан, чунки уларнинг пешона тери билан топган ризқу-рўзларини кунботарлик ялмоғизлар ташмалаб кетаверар экан-да. Шунда ҳам улар: «Тақдиримизга ёзилгани шу» дея сабр-тоқат қилишар, кўйдек ювощ тортит ишлайверар, кўрган кунларига шукрона айтиб юраверишар экан. Улар бир кун саёхатчи доно ҳақимни одатлари бўйича саҳийлик билан меҳмон қилишибди-да:

— Эй доно ҳақим, айтинг-чи, бизнинг ҳаётимиз, турмуш тарзимиз қандай экан? — деб сўрашибди.

— Мен дунё кезиб сизлардек захматкаш халқни кўрмадим, — дебди доно, кейин истехзо билан қўшиб қўйибди. — Бахтли халқ экансизлар.

Софдил одамлар севиниб, яна сўрашибди:

— Бизнинг бахтимиз нимада?

Доно ҳақим дебди:

— Сизлар шундай жаннатий диёрда бутун бойликларингизу ҳақ-хуқуқларингизни бировларга бериб қўйиб, ўзларингиз қашшоқ яшаркансизлар. Лекин бахтингиз шундаки, бахтсиз эканликларингизни билмайсизлар...

Агар халқингиз номидек ўз она-Ватанингизга ўзларингиз бек бўлсангизлар, дунёдаги энг бахтли халқ номини оласизлар.

Соддадил одамлар дононинг бу гапларини ўйлаб, хушёр тортидилар.

Яқинда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетида оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган журналистлар учун икки кунлик ўқув тренинг курси ташкил этилди.

Ҳамкорлик

ЖУРНАЛИСТЛАР МАЛАКАСИ ОШИРИЛДИ

Машгулотлар ахборот манбаи маркази MRC Tashkent ЮНЕСКО ҳамда Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети ҳамкорлигида бўлиб ўтди.

Икки кун давом этган ўқув машгулотларида иштирокчилар: «Интернет журналистлар учун ахборот манбаи сифатида», «Интернетда веб саҳифалар яратиш технологияси», «Рақамли видео ва аудио материаллар билан ишлаш технологияси» ҳамда «Мультимедия комусларини яратиш технологияси» йўналишлари бўйича малака оширидилар. ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси масъул котиби Алишер Икромов, Ахборот технологиялари бўйича тренинг маркази катта мутахассиси Дилшод

Алимов, профессор Файзулла Мўминов «Интернет журналистика» кафедраси муdiri Санжарбек Жабборов каби мутахассислар ўқув курсининг қизиқарли ва жонли чиқишида яқдиллик билан иш олиб боришди.

— Бу ўқув курсини ташкил қилишдан мақсад, журналистларни қайта тайёрлаш, ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, уларга маълумотлар манбаини яратишдан иборатдир, — дейди Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультети декани Хислат Маҳамдалиев.

Ўқув курси якунида журналистларга сертификатлар топширилди.

Зарнигор ИБРАГИМОВА
СУРАТЛАРДА: ўқув машгулотидан лавҳалар.



Темир панжара ортидаги ҳаёт ўз қилмиши туфайли минг пушаймон бўлиб, астойдил афсус-надомат чекаётган инсонни озми-кўпми эсини кiritиб, оиласи, фарзандлари, туғишган жигарларининг қадрини яна ҳам ҳис этадиган қилиб қўяди. Энди у оиласи бағрига қайтганда ўйлаб иш қилишга, ҳамиша оғоҳ ва хушёр бўлишга интилади. Ўзига билдирилган ишончга ҳалол меҳнати, «эгри» кўчаларга бошқа кирмаслиги билан жавоб беради. Албатта у чин маънодаги инсон бўлса...

Шайхонтохур туманилик Анвар ўтган йили девор-дармиён қўшнисини Абдуқаҳҳор отанинг «LG» телевизорини уйда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб ўғирлаб кетди. Текин топилган пуллар унга ёқиб тушди шекилли, орадан бир ой ўтказиб яна шу хонадонга кириб, ҳовлида турган қир ювиш машинасини имижимида йўқ қилди.

Лекин «Қинғир ишнинг қийғи қирқ йилдан кейин ҳам ошқор бўлади», деган нақл бекорга айтилмаган. Ўз уйи яқинидаги болалар боғчасидаги қимматбаҳо буюмларга кўз олайтирган йигитча қўлга тушиб, олдинги қинғирликлари ҳам фож бўлди. Қўни-қўшиллар, оиласи олдида юзи шувут бўлиб, ота-онасини иснодга қолдирди.

Далилий ашёлар билан айби бўйнига қўйилган Анвар Мирзаев муносиб жазога тортилди. Айни вақтда эса унинг ёшлиги, ўз қилмишидан қаттиқ пушаймонлиги, етказилган моддий зарар тўла қоплангани ҳисобга олиниб, қолаверса маълакатимиз раҳбарининг 2003 йил, 1 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан

амнистия тўғрисида»-ги Фармониға мувофиқ судланувчи жазодан озод этилди. Ўзбеконга кечиримлик, бағрикенглик ҳаётда адашган банданинг жонига оро кирди. Ният қилардики энди Анвар ҳаётга бошқача назар ташласа, эмин-

Маъсуда Каримова. — Қачонки улар ҳам ўқиш-ўрганиш, ҳалол ишлаш учун астойдил ҳаракат қилишлари лозим. Минг афсус, ҳаётини ўзгартириш учун берилган имкониятдан фойдаланишни хоҳламайдиганлари ҳам учраб туради. Улар энди ёш эмаслар, оралари 40 ни уриб қўйганлари ҳам бор. Фойдали юмуш билан шуғулланмаган кишининг барибир ҳаёти зое кетишини уларга илоҳи борича тушунтириб боришга ҳаракат қилмоқдамиз. Маҳалларда бўлсангиз, худди шундай куюнчақлик билан оқсоқолларимиз ҳам фикр билдиришади, баъзиларнинг ҳаракат қилиб ишга жойлаб қўйилса ҳам бўйинлари ёр бермай, ишламай уйда ўтирганидан хуноблари ошади.

— Ахир ҳамма нарса бекорчиликдан келиб чиқадику, — дейди бу тўғрида фикр билдириб Шайхонтохур туманидаги «Хувайдо» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Абдуфотих Асқаров. — Фуқароларимиз билан жуда кўп ишларни олиб боришимиз лозим. Уларнинг ҳуқуқий саводхон, маънавияти бой бўлиши, ўсиб келаётган фарзандларимизнинг қамолти эртанги кунимиз учун жуда ҳам зарур эканлигини унутмаслигимиз керак.

Дарҳақиқат, шу жамиятда яшаб, шу юрт ҳавосидан баҳраманд бўлаётган ҳар бир инсон, у ким бўлишидан қатъи назар ўйлаб иш юритиши, аввалги хатоларини такоррлашмаслиги, берилган имкониятдан унумли фойдаланиши лозим. Бағрикенглик — қайта-қайта кечираверамиз, дегани эмас, балки адашганлари тўғри йўлга қайтариш йўлидаги олижаноб қадиму, муҳим бир синовдир.

Шоира МУХАМЕДОВА

Мўлоҳаза

АДАШГАННИ КЕЧИРАМИЗ, ЛЕКИН...

Ҳаёт одамзотга фақат бир марта берилади. Уни ким қандай ўтказсади, бу фақат ақл ва фаросат билан иш тутувчи кишиларнинг ўзига боғлиқ. Вақт — оқар сувдай гизиллаб ўтиб кетаверди, уни орқага қайтаришнинг имкони йўқ. Фақат билиб-билмай қилинган хато-ғуноҳларни вақтида англаб, кейинги қадамларни ўйлаб босишга имкон бор, холос. Республикаимиз мустақилликка эришгандан бери Президентимиз томонидан 14 марта Амнистия тўғрисидаги Фармонга имзо чекилди. Билиб-билмай жиноят содир этган ҳамшаҳарларимизнинг қанчадан қанчаси ушбу бағрикенглик, кечиримлик туфайли оилалари бағрига қайтишди.

эркин яшаб, меҳнат қилиб нон топиб ейишнинг завқи, хузуур-ҳаловати ўзгача эканини тушуниб етса.

Шу ўринда кишини яна бир нарса ўйлантиради. Ўз қилмишлари, нотўғри қадамлари туфайли жазога тортилган, лекин хатоларини мушоҳада қилишга имконият яратилганидан сўнг ўз оилаларига қайтган барча ҳамшаҳарларимиз ўзлари учун тўғри хулоса чиқариб оляптиларми?

Уларнинг тинч меҳнат қучоғига қайтишлари, касб-хунар ўрганишлари учун имкон қадар барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Ҳар бир туман меҳнат бўлимларида меҳнат ярмакалари ўтказилиб, иш жойларига таклиф этилмоқда.

— Лекин бизнинг ҳаракатларимиз ҳамма вақт ҳам ижобий самара беравермайди, — дейди бу тўғрида куюниб Шайхонтохур туман меҳнат бўлими раҳбари

Шифобахи**Ғисматликлар****ТАРИК**

Кувватда гуручга ўхшайди, лекин гуруч озиклироқдир.

Сут ёки яхши тортилган ун кепагининг сувида пиширилади, шунда у жуда яхши озиқ бўлади. Буни қиздириб, оғриган жойларга боғланади. Нон қилинадиган бошқа донлардан озиқлиги оз ва ёпишқоқдир. Лекин сув ёки майда тортилган ун кепаги билан қайнатилса, озиқлиги яхши бўлади, айниқса сарёғ ва бодом ёғи билан қайнатилса, озиқлиги яна яхши бўлади.

Ўзи ҳам, нони ҳам меъдада узоқ туради. Ичак оғриқларига қарши қиздириб қўйилди. Сийдикни ҳайдайди.

КАРАМ

Карамнинг шираси ё қайнатмасини кунжут ёғи билан қўшиб, томоқни чайқаса, томоқ оғриқларига фойда қилади. Уни ейилса овоз тозаланади. Карамни чайнаб сувини сўрилса, бўғилган овозни очади. Сариқ йўнғичка уни ва кунжут билан аралаштириб тайёрланган куюқ суртмаси подаграга ва бўғинлар оғригига фойда қилади. Қайнатмаси ва уруғи бошнинг қасмоғига фойда қилади, карам ширасини бурунга юборилса, миёни тозалайди. Агар баргини хомлигича сирка билан қўшиб ейилса, талоқ касалига учраганларга фойда қилади.

ЛАВЛАГИ

Лавлагини қайнатиб шишларга боғланса, уларни шимилтиради ва пиширади.


Лавлагининг шираси ва баргининг қайнатмаси совуқдан ёрилганга ва тулки касалига фойда қилади. Агар сепкил бор жойни сода билан ювиб кейин лавлагининг баргини қўйиб боғланса сепкилни кеткази. Баргининг сиқиб олинган суви сўгалларни кўчиради ва битларни ўлдиради.

Лавлаги баргининг қайнатилгани оловдан куйганга яхши таъсир қилади; асал билан қўшиб суртилса темирликка фойда қилади. Сувини илтиб қулоққа томизилса оғригини босади. Суви билан бошни ювилса, бошдаги кепакни кеткази.

ТИЖОРAT ХАБАРПАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРAT ХАБАРПАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Баҳор байрамлари арафасида**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки****«Гулбаҳор» омонат туруни таклиф этади****Йиллик даромад 50%**

- пуллар 2004 йилнинг 24 февралдан — 5 мартгача қабул қилинади
- сақлаш муддати - 45 кун
- бадалнинг минимал суммаси — 50 000 сўм

**МИЛЛИЙ БАНК — ПУЛЛАРИНГИЗ САҚЛАНИШИ ВА ДАРОМАДЛИЛИГИГА КАФОЛАТДИР!**

Қўшимча маълумотларни 135-42-83, 134-14-14 телефон рақамлари орқали ёки Миллий банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин
www.nbu.com

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан, ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланган банд солинган қуйидаги автомобилотранспорт воситаларининг ким ошди савдоси ўтказилади.

2004 йил 16 март кунда қуйидаги автомобилотранспорт воситаларининг ким ошди савдоси ўтказилади:

1. "Заз-968" автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами М 49-54 ТН, бошланғич нархи 100 000сўм, техник носоз;
2. "Москвич-412" автомобили, 1984 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами Э 30-61 ТН, бошланғич нархи 150 000 сўм, техник носоз;
3. "Рейсер" автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 G 11-71, бошланғич нархи 3 000 000 сўм, техник соз;
4. "Нексия" автомобили, 2001 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 Н 77-22, бошланғич нархи 3 000 000 сўм, техник соз;
5. "М-21" автомобили, 1969 йилда ишлаб чиқарилган, давлат ра-

қам белгиси 10 Z 25-24, бошланғич нархи 250 000 сўм;

6. "Ваз-21011" автомобили, 1975 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 Г 50-58, бошланғич нархи 300 000 сўм;

7. "Газ-3307" - юк автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 Г 09-93, бошланғич нархи 550 000 сўм, техник носоз;

8. "Дэу-Пакер" автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси М64 04-33, бошланғич нархи 2 500 000 сўм;

9. "Сааб-9000" автомобили, 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 1 100 000 сўм;

10. "Газ-31029" автомобили, 1994 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошланғич нархи 500 000 сўм,

2004 йил 30 март куни қуйидаги автомобилотранспорт воситаларининг ким ошди савдоси ўтказилади:

11. "ЭО-2621" экскаватори, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси ЕД 05-62, бошланғич нархи 320 000 сўм, техник носоз;

12. "УАЗ-3303-01" юк автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган,

давлат рақам белгиси 96-59 ТНМ, бошланғич нархи 500 000 сўм, техник носоз;

13. "Зил-130" юк автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 85-28 ТНМ, бошланғич нархи 150 000сўм, техник носоз;

14. "Зил-130В" юк автомобили, 1970 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AP 527, бошланғич нархи 300 000 сўм, техник носоз;

15. "Одаз" ярим тиркамаси, 1970 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 13-23 ТН, бошланғич нархи 60 000 сўм, техник носоз;

Ким ошди савдослари соат 11.00 да бошланади, савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш ким ошди савдоси эълон қилинганидан 3 кун аввал тўхта-тилади.

Ким ошди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносидан ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси 3-уй 2 қават.

Маълумот учун телефонлар: 144-54-08, 41-16-38

Қўтмаймиз

Отажоним, кўз тегмасин кўзларингизга, Тумор бўлай сизнинг адл бўйларингизга. Омон бўлинг ғам кўрмасин юзларингиз, Тузларингиз оқлай олсин қизларингиз.

Онам билан доим ҳамкор, ҳамдам бўлинг. Давримизда даврон сурун хандон юринг. Ғам-ғуссага тўлмасин ҳеч юрагингиз, Бахтимизга омон бўлинг—тилагимиз!

Қадрли нағари бузрукворимиз, Мешабой Иброҳимов! Сизнинг муборак 63 ёшлиғиз кўнглир бўлсин. Хурмай ва эҳтиром ила фарзандларингиз номидан СУРАЙЁ.

Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани ҳокимининг 2002 йил 4 декабрдаги қарори билан Зоҳидов Умид Хикматжонович номига берилган № 0814400 рақамли яқка тартибдаги тадбиркорлик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Собир Раҳимов академик лицейи томонидан Атабаев Улуғбек Убайдуллаевич номига 2002 йилда берилган O'R-Z №0696860 рақамли таянч маълумот тўғрисида гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент Педиатрия-тиббиёт институти томонидан 1990 йилда Тилавов Шаймурод Абдимуротович номига берилган ПВ 829871 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Футбол

ТАЙЁРГАРЛИК БОСҚИЧНИ ИТТАЙДИ

Россия мини-футбол ассоциацияси Урал бўлимининг таклифига кўра Ўзбекистон мини-футбол терма жамоаси 11-15 март кунлари Екатеринбург шаҳрида навбатдаги йиғинларини ўтказди. Унда ҳамюртларимизнинг Россия премьер лигасидаги учта жамоа билан куч синошиши кўзда тутилган. Бу учрашувлар мини-футболчиларимизга ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўташи аниқ. Нега деганда 17-25 апрель кунлари Макаода мини-футбол бўйича китъа чемпионати бўлиб ўтди. Маълумки, юртдошларимиз ҳам ушбу нуфузли мусобақада қатнашишди. Дарвоқе, Осиё чемпионатида совринли ўринларни кўлга киритган терма жамоаларга Хитой Тайпейида кузда бўладиган жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқи берилди. Биз эса мухлислар номидан терма жамоамизга фақат ғалабалар ёр бўлишини тилаб қиламиз.

ҲАҚАМЛАРИМИЗГА ИШОНЧ

Ўзбекистонлик футбол ҳақамларининг маҳорати ортиб бораётганлиги кишини қувонтиради. Кўни кеча ФИФА қароргоҳидан Ўзбекистон футбол федерациясига таклифнома келди. Унда маълум қилинишича, 17 март кўни Уммон-Кувайт олимпия терма жамоалари ўртасида уюштирилган саралаш учрашувини Ўзбекистонлик ҳақамлар Р.Эрматов, А.Ҳотамов, А.Попов ҳамда Д.Роман (захирада) бошқаришди. Греция пойтахти Афинада ўтадиган Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи ушбу беллашувни муваффақиятли бошқаришда ҳақамларимизга омад тилаймиз.

ЁШ ФУТБОЛЧИЛАР ЕВРОПАГА БОРИШАДИ

Рауф Инилеев етакчилигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси футболчилари айни кунларда Эронда навбатдаги ўқув-машғулот йиғинларини ўтказишди. Футболчиларнинг маҳоратини ошириш мақсадида ташкиллаштирилган ушбу сафар чоғида ёш чарм тўп усталиримиз Эрон ёшлар терма жамоаси билан иккита учрашув ўтказишди. Дарвоқе, Эроннинг номдор клубларидан бири билан ҳам учрашув ташкил этиш назарда тутилган. Ёз ойларидан эса футболимиз мутасаддиларининг ғамхўрликлари тўғрисида Ўзбекистон ёшлар терма жамоасини Германия, Бельгия, Голландия давлатларига юбориш режалаштирилмоқда. Европанинг футбол ривожланган давлатлари жамоалари билан ўртоқлик учрашувлари уюштириш эса фойдалан холи эмас.

(Ўз мухбиримиз)

«Тошкент оқшоми» газетаси жамоаси Ўзбекистон халқ ёзувчиси, газетанинг фаол муаллифи **Пўлат МўМИННИНГ** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур ҳамдарлик билдиради.

ШАХМАТ ҲАНГОМАЛАРИ


— Хўш, кўвингиздан хурсандми-сиз?
— Хурсандман-у, лекин шахмат ўйнашни билмас экан-да!
— Хўш, бунинг нимаси ёмон!
— Ёмон жойи йўқ-ку, лекин ҳамма бало шундаки, ўйинни билмас ҳам ўйнайверади-да.

Грайор де Стайр ютқазди дегунча, кўлига илинган нарсани рақибига қарата отишни одат қилиб олганди. Шунинг учун унинг доимий харифи полковник Стюарт мот эълон қилишдан олдин хонанинг бир бурчагига бориб оларди-да, ўша ердан туриб: «киш бердим отдан, мотсиз жаноб сэр» дерди.

Шахмат тўғарагининг раҳбари сўраб қолди:


— Ўртоқ Паришонхотирин, XVII аср шахматчиларидан қимларни би-

ласиз?
— Ҳеч бирини билмайман.
— Нера?
— Чунки улар ўлиб кетишган.



— Шахмат ўйинида нимани ёқти-расиз?
— Ютишни.
— Ё, тавба.

Анвар ИНОҚОВ,
шахмат шарҳловчиси



МАҲОРАТИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

1. Иккала диаграммага диққат билан назар солсангиз, оқлар бошлаб, маҳорат кўрсатиб дуранга эришадилар. Сиз қандай ўйнардигиз, хурматли шахмат ишқибозлари?



Дзюдо

КУЧЛИ ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШАДИ

Ўтган яшанба кўни шаҳримиздаги «Динамо» спорт залида эркаклар ўртасида дзюдо бўйича «Динамо» жисмоний тарбия-спорт жамияти чемпионати бўлиб ўтди.

Турнирда МҲСК, Ички ишлар вазирлиги академияси ва «Динамо» каби клубларнинг шаҳар ва республика чемпионлари, халқаро мусобақаларнинг ғолиб ва совриндорлари бўлиш энг кучли вакиллари ғалаба учун кураш олиб борди.

Кескин ва муросасиз баҳслардан сўнг ғолиблар аниқланди. Хусусан, 60 килограммгача бўлган энг енгил вазндаги дзюдочилар ўртасида «майдон» эгаси — динамочи К.Ибрагимов зафар кўчди. 66 килограммгача курашчилар баҳсида МҲСК вакили Д.Муҳидов ғолиблар сафини бошқарди. 73 килограммлик спортчилар ўртасида Ш.Саидов (МҲСК), 81 килограммгача вазнда И.Сагиров («Динамо») бош мукофотларга эга бўлдилар.

Энг оғир вазнда ҳам «Динамо» вакили Х.Назаровга омад кулиб қолди.

Ғолиб ва совриндорлар дипломлар ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: мусобақалардан лавҳалар.

Алексей Попов олган суратлар.

ГИЁВАНДЛИК — УМР ЗАВОЛИ

Акбар ўзи билмаган ҳолда гиёвандлик йўлига кириб қолди. У уйидаги ҳамма нарсаларни сотиб юборди.

Ҳатто хотинини мажбур қилиб қўшниларидан қарзга пул сўраттирди. Ҳаммадан қарз бўлиб кетган Акбар нима қилиши билмай қолди. Охири дорининг хуморида ўйини ҳам соғди. Бечора хотини 3 фарзанди билан нима қилишини билмас эди.

Уйсиз қолган Акбар кўнини кўчаларда ўтказар, хотини, бола-чақасини ҳатто ўйламасди. Хотини ҳам пул топишга ҳаракат қилди, лекин ҳаммаси бефойда эди. Дилбар нима қилишини билмай ўзини фаҳиш йўлига ташлади. Бечора фарзандлар онасини кечқурун келишини интизорлик билан

кутар, отасидан эса дарак йўқ эди.

Акбар энди ўғрилиқ йўлига кирди. Лекин унга бу иш катта зиён келтирди.

У А.Икромов туманидаги «Фарҳод» кафееси олдида Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси Турсунованинг 150.000 сўмлик тилла занжирини қолиб олиб қочиб кетаётган вақтида ички ишлар ходимлари П.Тўраев, К.Йўлдошев, Э.Ураев, П.Расуловлар томонидан далилий ашёлар билан ушланди.

Дилдора РАҲИМОВА,
Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази жамоатчи мухбири.



Сўзсиз сурат.

Абдурасул Ҳақимов чизган расм.



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма тўбик офсет усулида босилади.
5252 нускада босилади. Кўпга бичим А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кўнари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиқларига ёки «Тошкент почтаамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақланган.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акадидорлик компанияси босмахоҳаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.